

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 88 (9.585) 2001 йил 30 июль, душанба Сотувда эркин нархда

## 10 Шу азиз Ватан барчамизники!



Хамза туманининг умумий майдони 3 минг гектардан ортиқ бўлиб, бу ерда 213,165 аҳоли ҳайшайди. Жорий йилнинг ўтган орти ойда тумандаги мавжуд саноат корхоналарида 34,3 миллиард сўмлик, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1162 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиди.



Хамза тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетдаги махсус саҳифада танишасиз.

## Хамза тумани КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



- Туманда 60.005 та хонадон ва 67.588 та оила мавжуд.
- Туманда 4857 та тadbirkor фаолият кўрсатиб, уларнинг орасида пойтахтимиз иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшаётганлари кўпчилиги ташкил этилди.
- Пойтахтимиздаги жами саноат мажмуасининг 35 фоизи туманда жойлашган. «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳиссадорлик жамияти, «Тошқинлоқмаш», «Енгил металл жихози» заводлари, «Узбекқозғози» ҳиссадорлик жамияти, Тошкент ёғ-мой комбинатлари шулар жумласидандир.
- Туманда битта олий ўқув юрти, 4 та касб-хунар коллежи, 1 та академик лицей, 33 та умумтаълим мактаблари мавжуд.
- Туманда жойлашган 14 та гузар, 19 та чойхона, 43 та новойхона, 59 та саргарошхона аҳоли хизматида.
- 30 та шифохона, 65 та дорихона, 8 та соғломлаштириш мажмуи инсонлар саломатлиги йўлида фаолият кўрсатмоқда.
- Ўтган ярим йилда тумандаги кам таъминланган 1738 нафар оилга 20927457 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. 2 ёшгача фарзандли оилаларнинг 940 нафарга 43067325 сўм, 16 ёшгача фарзандлари бўлган 1652 нафар оилаларга 29605686 сўм миқдорда нафақалар берилди.
- Мустақиллик йилларида туманда 92 та кўр қаватли уйлар фойдаланишга топширилди, юзлаб бахтиёр оилалар уй тўйларини нишонлашди.
- Жорий йилнинг ўтган ярмида туманда 1242 нафар чакалоқ дунёга келди. Ҳозирда туман бўйича 45822 нафар туғруқ бўлиб, аёллар рўйхатга олинди, улардан 36.606 нафари тиббий қўриқдан ўтказилди.
- Туманда 8та маданият саройи, 4 та кинотеатр, 15 та кутубхона мавжуд бўлиб, улар аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришида, маърифатли бўлишларида муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хамза тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетдаги махсус саҳифада танишасиз.

### АНЖУМАНЛАР

## Мустақиллик ва аёл

Кўни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг Мустақилликнинг 10 йиллиги мавқомида амалга оширган ишларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

Шунингдек, пленумда А. Икромов тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг бош шифокори, шаҳар Кенгаши депутати Н. Рауллов, Шайхонтоҳур тумани Исмоилов маҳалласи оқсоқоли Э. Қосимов, Юнусов туманидаги 273-мактаб директори, «Узбекистон Қаҳрамони» ордени соҳиби Х. Авазовлар сўзга чиқиб, маънавий етук ва жисмонан соғлом ёшларни вояга етказиш, оналар саноатининг муҳим аҳамиятига эътибор қилиниши, соғлом авлоднинг камол топшишида оила ва маҳаллада соғлом муҳит яратиш борасида қилинаётган ишлар, ютуқ ва қамчиликлар ҳақида сўзлашди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдураҳмонова пленумда сўзга чиқиб, кейинги 10 йил ичида Ўзбекистон халқи ўз кадр-қиммати, миллий давлатчилиги, маданияти, муқаддас қадриятлари, тили ва динини қайта тиклаб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жазон ҳақамиятида муносиб оғру-этибор қозонгани ҳақида тўхталиб, Шунингдек, шу ўн йил давомида юртимизда амалга оширилган улғур ишларда, Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олишида, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида, буюк мақсадларга эришиш борасида қўйилган биринчи қадамларда, қолаверса аёллар ҳуқуқлари ва уларнинг муҳим аҳамиятига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишида шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталарининг ҳам муносиб ҳиссалари борлиги таъкидланди.

Пленумда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси Бошқаруви ва Раёсат аъзолари ташаббуси ўзгартириш қиритиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдураҳмонова пленумда сўзга чиқиб, кейинги 10 йил ичида Ўзбекистон халқи ўз кадр-қиммати, миллий давлатчилиги, маданияти, муқаддас қадриятлари, тили ва динини қайта тиклаб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жазон ҳақамиятида муносиб оғру-этибор қозонгани ҳақида тўхталиб, Шунингдек, шу ўн йил давомида юртимизда амалга оширилган улғур ишларда, Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олишида, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида, буюк мақсадларга эришиш борасида қўйилган биринчи қадамларда, қолаверса аёллар ҳуқуқлари ва уларнинг муҳим аҳамиятига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишида шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталарининг ҳам муносиб ҳиссалари борлиги таъкидланди.

Пленум ишида Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Фулмонова қатнашди.

### ТАРАДДУД

## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ

### ғўзал ва бетакрор бўлади

Энг улуг, энг азиз байрам кўни мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдони, шаҳримизнинг марказий ва гажум кўчалари, шодийлар ўтадиган майдонлар қандай безалади? Биз ана шундай савол билан шаҳар бош расоми Рафаэль ЮСУПОВга мурожаат қилдик.

— Халқимиз учун энг азиз ва ардоқли бўлган Мустақилликнинг 10 йиллиги албатта катта тантана ва шоду хуррамлик билан ўтказилади. Биз тарихан нихоятда қисқа даврда жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу байрам истиқлолимиз боис эришган ютуқларимизнинг ўзига хос қўриғи ҳам бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки ушбу тақдорланмас шодийна — биз расомлар зиммасига ҳам катта, масулиятли вазифа — асосий тантаналар бўлиб ўтадиган Мустақиллик майдонини, шаҳар майдонлари, шох-кўчалари, хиёбонлари, сайилгоҳларни байрам руҳи уфуриб турган ҳолда ўзига хос ва ўзгача безашни тақозо этади.

2001 йилнинг Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган боис тайёрланган кўпгина паннолар ушбу кўлуг санага бағишланган. Мустақиллик, Ҳадр, Мирзо Улуғбек, Халқлар Дўстлиги майдони, Сайилгоҳ, Амир Темури хиёбони байрамона — Мустақилликимизни, миллатлараро дўстлиқни тараннум этувчи, 10 йил ичида эришилган катта ва буюк ишларнинг ўзига хос эътируви паннолар билан безатилади. Шароф Рашидов ва Навоий кўчалари кесишган чорраҳада, Алишер Навоий номли кутубхона биноси жойлашган томонда Оналар ва болалар йилига бағишланган — мустақил юртимизнинг фидокор аёллари, бахтли болаларнинг тараннум этувчи уч хил қўриқнидан иборат бўлган жуда катта панно ўрнатилади. Мустақиллик майдонида «Тасвирий ойина» уюшмаси билан биргаликда жуда катта ҳажмидаги ижтимоий-сиёсий фото-кўргазма ташкил қилинмоқда.

Халқлар дўстлиги майдонида шаҳримизда фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар томонидан халқлар дўстлигини, миллатлараро ўзаро тинчлик ва тотувликни тараннум этувчи театрлаштирилган катта тadbirkor режаланштирилган. Хар бир миллий-маданий марказ ўз халқи урф-одати, миллий санъати, миллий таомлари билан байрам кўнлари хар бир келган меҳмонни кутиб олади. Биз ҳам шунга мос равишда Халқлар дўстлиги майдонида мустақиллик тенгдоши бўлган — 10 ёшли турил миллат фарзандларининг бахтиёр ёшлиги акс этган катта панно ўрнатилади. Фуркат, Ўзбекистон, Абай, Мовароуннахр кўчалари, Амир Темури хиёбони мустақиллик буюк неъмат эканлигини, уни кўз қорачиқидек асаримизни лозимлигини акс эттирувчи плакатлар билан безатилади. Ойбек, Афросиёб, Нукус, Шаҳрисабз кўчалари, шаҳарга кириверишда энг улуг, энг азиз байрамимизга ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олувчи Аэропорт майдони, кўприклар усти ҳам байрамона

безалади. Шаҳар кўча ва хиёбонларига байрам руҳини берувчи чизмаларда асосан миллий халқ урф-одатлари, қадриятларимиз ўз ифодасини топган.

Тасвирий композицияларда давлатимизнинг кўп асрлик тарихи ва маданияти, бугунги кўни акс эттирилган. Мустақиллик майдонида эса расомларимиз бўлиб ўтадиган улуг байрамнинг мазмун-моҳиятини хилма-хил, сержило бўёқларда акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Бу йил шаҳримиздаги меҳмонхоналар, савдо шохобчалари, бекатлар ва улар атрофидаги дараклар ҳам нур берилиб безатилади. 1 августдан бошлаб шаҳримиз кўчаларида катновчи транспортларда ҳам Мустақилликнинг 10 йиллиги рамзи бўлган белгилар бўлади. 100 дан ортиқ биноларда кечаси ҳам нур таралиб байрам шўқунининг янада жозибали бахш этишига ҳисса қўшади.

Булардан ташқари шаҳримизнинг хар бир туманида ҳам безаш ишлари олиб бориломоқда, энг кўприклар, энг ўқув масканлари ишга тушмоқда. Шаҳримиз хусуси янада чирой бағишланган бу бинолар безалишида ҳам расомларимизнинг хизматлари бор.

Халқлар дўстлиги майдонида шаҳримизда фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар томонидан халқлар дўстлигини, миллатлараро ўзаро тинчлик ва тотувликни тараннум этувчи театрлаштирилган катта тadbirkor режаланштирилган. Хар бир миллий-маданий марказ ўз халқи урф-одати, миллий санъати, миллий таомлари билан байрам кўнлари хар бир келган меҳмонни кутиб олади. Биз ҳам шунга мос равишда Халқлар дўстлиги майдонида мустақиллик тенгдоши бўлган — 10 ёшли турил миллат фарзандларининг бахтиёр ёшлиги акс этган катта панно ўрнатилади. Фуркат, Ўзбекистон, Абай, Мовароуннахр кўчалари, Амир Темури хиёбони мустақиллик буюк неъмат эканлигини, уни кўз қорачиқидек асаримизни лозимлигини акс эттирувчи плакатлар билан безатилади. Ойбек, Афросиёб, Нукус, Шаҳрисабз кўчалари, шаҳарга кириверишда энг улуг, энг азиз байрамимизга ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олувчи Аэропорт майдони, кўприклар усти ҳам байрамона

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

#### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини чақиритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилди:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини 2001 йил 29 август кўни Тошкент шаҳрида чақиритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 2001 йил 27 июль.

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:
- 1. Марказий сайлов комиссиясининг айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисидаги ахбороти.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
- 3. «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 4. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (учинчи ўқиш).
- 5. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- 6. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.
- 7. Қимматли қозғалар бозорини инвестицияларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 8. «Махсулот тақсимидаги оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
- 9. «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
- 10. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 11. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 12. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- 13. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

## XXI саҳифаси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қўра Аъзамхон Баҳромов Ўзбекистон Республикаси Мундопийдан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси этиб тайинланди.
- Кеча мамлакатимизда 14 та сайлов округида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашининг Иқтисодий, молия ва банк соҳаларини ислох қилиш, бозор тамойиллари ва механизмларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлди.
- Адлия вазирлиги ҳаётининг мажлисида Президент Ислам Қаримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ва жорий йилнинг биринчи ярмида бажарилган ишлар муҳокама қилинди.
- Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида мустақилликимизнинг 10 йиллигига бағишланган «Шу азиз Ватан — барчамизники!» шiori остида Сурхондарё вилоятига бағишланган фестивал бўлиб ўтди.
- Мамлакатимизга ташриф билан келган Житой хоржий мамакатлар билан дўстлик алоқалари жамиятининг делегацияси бугун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзбекистоннинг хоржий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар жамиятига кенгашида бўлди. Эртага делегация аъзолари Самарқанд зиёратига боришади.
- Учқуқда замонавий сут заводи фойдаланишга топширилди.
- Навоий вилоятида республика «Умр» уюшмасининг бўлими ташкил этилди.

### Жаҳонда

- Москвада Ўзбекистон ва Россиядаги етакчи нефть-газ компаниялари — «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ва «ЛУКОЙЛ» нефть компанияси ҳамда «Итера» компаниялар халқаро гуруҳи ўртасида шартнома имзоланди.
- Кеча Трансильвия йўналиши бўйлаб Москвага поездда ташриф билан келаётган ҚХДР раҳбари Ким Чен Ир Улан-Удэда тўхтаб ўтди.
- Кеча Японияда Парламентнинг юқори палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда сайловда ҳукмрон ҳукумат коалицияси галабага эришди.
- Шри-Ланка Президентини Чандрика Кумаратунга мамлакат халқини ва сиёсий қуяларни террорчиликка қарши курашда ҳукумат атрофида жипслашишга чақирди.
- Кеча исроилликлар Кудудса Сулаймон ибодатхонасига биринчи гишти қўйди.
- АҚШнинг собиқ Президентини Жимми Картер Жорж Бушнинг хавфсизлик ва ташқи сиёсат йўналишидаги ҳатти-ҳаракатларини танқид қилди.
- Кеча Женевада Саудия Арабистони, Венесуэла ва Мексика вазирлиги нефть казиб чиқаришни қисқартириш тўғрисидаги ОПЕК қарорини муҳокама қилиш юзасида учрашув ўтказди.
- Непал қироли Гьянендра Бош вазири Бахадиршоҳ Рахбарлигидаги ҳукуматнинг янги таркибини тасдиқлади. Бахадиршоҳ ўз лавозимини ижро этишдан ташқари мудофаа ва ташқи ишлар вазирлиқларини ҳам бошқаради.
- Кеча АҚШ Давлат қотиби К. Пауэллинг Пекинга ташрифи нихоятда етди.
- Грузия Президентини Эдуард Шеварднадзе телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, таниқил тележурналист Григорий Сананиннинг қотиллари ўз жазосини олади, дея ишонтирди.
- Жума кўни Испаниянинг Барселона шаҳри марказидаги банк биносида портлаш юз берди.

## Тошкентда жаҳон чемпионати ўтказилади

тўғрисидаги 381-ф сонли фармойиши ижро учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Спорт ва оммавий тadbirkorларнинг ўтказиш дирекциясига турнирнинг юқори савияда ўтиши учун хар томонлама ёрдам кўрсатиш топширилди.

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси зиммасига турнир қатнашчилари ва меҳмонларини «Тошкент» меҳмонхонасида имтиёзли нархларда жойлаштириш топширилди. Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ туриш ҳақини миллий валюта — сўм ҳисобида тўлаш инобатда олиниши керак.

Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар бош бошқармаларига чемпионат қатнашчилари ва меҳмонларига зарур ҳолларда тиббий хизмат кўрсатиш, мусобақа ўтказилиш жойи ва спорт-клуб турар жойларига жамоат тартибини сақлашни таъминлаш топширилди.

«Тошшаҳарйўловчиган» Давлат уюшмасига турнир қатнашчилари ва меҳмонларини Давлат спорт қўмитаси бюромтасига асосан транспорт билан таъминлаш юклатилди.

Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, шаҳар касаб уюшмалари кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, Халқ таълими, Урта махсус касб-хунар таълими бош бошқармаларининг тур-

# 10 ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ!

Мустақил диёримизда бўлиб ўтаётган ҳар бир байрам одамлар қалбига олам-олам қувонч бахш этади. Янги асримизнинг илк йилида нишонлинишига қизгин тайёргарлик кўрилатган Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги ана шундай тантаналарнинг энг улуғи, энг шуқулхисидир. Буни дилдан ҳис этган Ҳамза тумани кўп миллиатли меҳнат аҳли тантанали кунларни ўзига хос кўтаринки руҳда қарши олишмоқда. Бу ҳақда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Бахтиёр МАҚСУДУЖАЕВ билан сўхбатлашдик.

— Ҳамзаликлар ҳар доим «Тўйга — тўёна билан», деган ибратли нақлга амал қилишади. Айниқса, Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини муносиб қутиб олиш ниятида анчагина ишлар бажарилди. Шунини айтиш керакки, ўтган ўн йил ичида туманда қўлаб турар жой бинолари, муҳташам иморатлар бунёд этилди, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, шу йилларда 95 та кўп қаватли уй-жойлар қад ростлади. Уларнинг учтаси байрам арафасида фойдаланишга топширилади. Шунингдек, битта мактаб, 2 та болалар боғчаси, касалхона, болалар шифохоналари, барча қўлайликларга эга бўлган 4 та маҳалла гузарлари мажмуалари қуриб битказилди, «Янгиобод» улгуржи бозори иш бошлади, «Хобас-Тапо» қўшма корхонаси ўз махсулотларини берди. Иқтисодий соҳасида ҳам, ижтимоий-маиший соҳада ҳам замон талаблари асосида иш юритишга ҳаракат қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманда қўлаб сановат корхоналари фаолият кўрсатади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сановат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида туман корхоналари томонидан 34,3 миллиард сўмлик, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1162 миллион сўмлик кўп махсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш сурвати 103,5 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмоли моллари тайёрлаш 101,1 фоизга етди. Айниқса, «Тошишлоқмаш», «Ортопедия», «Подъёмник» ҳиссадорлик жамиятлари, «УФК», «Тошпроком МО» қўшма корхоналари ва бошқа корхоналарда ўсиш суръатлари бир неча ба-

# Ҳамза тумани КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

робарга ошди. Шунингдек, бу йил иш бошлаган «Фарм Гласс» қўшма корхонасида экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Чкалов номи «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат ҳиссадорлик жамиятида «Грайт Уитни» Канада-Америка компаниясининг двигатели ўрнатилган «ИЛ-114-100» русумли самолётларга давлат сертификати олинди. Ўрта ва кичик бизнес корхоналарини қўлаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратмоқдамиз.

— Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги Оналар ва болалар йилида нишонланмоқда...

— Албатта, бу шунчаки ўхшашлик эмас. Ҳар биримиз учун муҳтарам оналаримиз, азиз болажонларимиз энг қадри инсонлар саналади. Ҳақиқатан ҳам аёл саломатлиги бу келгуси авлодларимизнинг маънави ва жисмонан соғлом бўлишида, миллатимиз келажагида муҳим ролни ўйнайди. Шунингдек, 800 ўқувчини ўз бағрига оладиган Темир йўл ҳамда 880 ўқувчи таълим олиши режаланган Компьютер коллежлари фойдаланишга топширилади. Кичик автомобиль Халқа йўлининг Элбек кўчасидан Мусахонов кўчасигача бўлган қисми қуриб битказилади. Туман ҳудудидаги маҳалла ва истироҳат боғларида, гузар ва майдонларда оммавий халқ сайиллари ўтказилади. Хуллас, орзиқиб қутилаётган байрам ўша кун ҳар бир хонадон, ҳар бир оилага кириб боради. Энг муҳими, ҳамзаликларнинг кайфияти баланд, улар Истиклолнинг буюк неъмат эканлигини, унга фақат эзуликлар ярашишини яхши англамоқдалар.

— Энди байрам тўхталарига тўхталаск...

— Байрам тўхталарига келсак, буларнинг барчаси юрт равнақи, аҳоли фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларимиздир. Туман аҳолисига энг катта совғалардан бири тантаналар арафасида 126 та хонадонга мўлжалланган 3 та шинам турар жой биносидан яшовчилар уй қалитларини олишади. Шунингдек, 800 ўқувчини ўз бағрига оладиган Темир йўл ҳамда 880 ўқувчи таълим олиши режаланган Компьютер коллежлари фойдаланишга топширилади. Кичик автомобиль Халқа йўлининг Элбек кўчасидан Мусахонов кўчасигача бўлган қисми қуриб битказилади. Туман ҳудудидаги маҳалла ва истироҳат боғларида, гузар ва майдонларда оммавий халқ сайиллари ўтказилади. Хуллас, орзиқиб қутилаётган байрам ўша кун ҳар бир хонадон, ҳар бир оилага кириб боради. Энг муҳими, ҳамзаликларнинг кайфияти баланд, улар Истиклолнинг буюк неъмат эканлигини, унга фақат эзуликлар ярашишини яхши англамоқдалар.

## Дилларда тантанана шуқуҳи

— Ҳамзаликлар ҳар доим «Тўйга — тўёна билан», деган ибратли нақлга амал қилишади. Айниқса, Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини муносиб қутиб олиш ниятида анчагина ишлар бажарилди. Шунини айтиш керакки, ўтган ўн йил ичида туманда қўлаб турар жой бинолари, муҳташам иморатлар бунёд этилди, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, шу йилларда 95 та кўп қаватли уй-жойлар қад ростлади. Уларнинг учтаси байрам арафасида фойдаланишга топширилади. Шунингдек, битта мактаб, 2 та болалар боғчаси, касалхона, болалар шифохоналари, барча қўлайликларга эга бўлган 4 та маҳалла гузарлари мажмуалари қуриб битказилди, «Янгиобод» улгуржи бозори иш бошлади, «Хобас-Тапо» қўшма корхонаси ўз махсулотларини берди. Иқтисодий соҳасида ҳам, ижтимоий-маиший соҳада ҳам замон талаблари асосида иш юритишга ҳаракат қилинмоқда.

### ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

## Ватан ишқи ёнсин юракда

Туманда истиқомат қилувчи 213.165 нафар аҳолининг 64.207 нафарини ёшлар ташкил этади.

Ёшларни бирлаштириш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, манфаатларини химоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақлаковати, куч-ғайратларини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш бериш мақсадида мамлакатимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилди.

Харакатнинг Ҳамза тумани бўлими кенгаши жорий йилнинг 16 майда таъсис этилиб, ўз олдида аниқ мақсадларни қўйган. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ёшлар билан ишлашда сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий, халқаро фаолият, спорт ва жисмоний тарбия ва бошқа соҳалар йўналишига алоҳида эътибор қаратишган.



— Ёшларни бирлаштириш, истиқлол гоёларини улар қалбига янада синдириш ҳамда Мустақиллигимизнинг шонли 10 йиллигини муносиб қутиб олиш ниятида «Камолот кўнлари» тадбирини ўтказмоқчимиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши раиси

Камолитдин Бердиев. — «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзусидаги ушбу тадбирга халқимизнинг энг танikli фан ва санъат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, эстрада гуруҳлари таширф бўюради. Тадбир давомида «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Мен ўзбек фарзанди-

### ТАДБИРКОРЛИК

## Юртимга фойдам тегсин

Туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига 2722 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари, 510 та яққа тадбиркор қабул қилинган бўлса, улар орасида «Юртимга фойдам тегсин» дея ишланаётган, ташаббус курсатиб аниқлашга интиляётганлари кўпчиликини ташкил этади.

«Бек» агроасаноат илмий компанияси президенти Абдурахмон Азимов ҳамда жамоада фаолият кўрсатаётган 35 нафардан зиёд ишланувчан олим ва ходимлар ана шундайлар жумласидандир. Аввалига қишин-ёзин халқимиз дастурхонига сара полиз махсулотлари етиштириб бериш ишларини амалга оширган А. Азимов ўзининг сафдошлари, ишланувчан олимлар билан биргаликда 1999 йилда илмий-тектириш маркази ташкил этди. Халқимизнинг турмуш тарзи, эҳтиёжлари, соғлигини таҳлил қилган ҳолда республикамиз шароитида янги технологияларни ри-вожлантириш режасини ишлаб чиқди.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бугунда: ҳавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» аса-



ридаги «Тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва озиқ-овқат сановати учун синтетик биологик бошқарувчиларнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва яратиш, қанд ўрнини босадиган ўсимлик — стевияни ўстиришни йўлга қўйиш зарур» деган сўзлари бизни ташаббусга ундади, — дейди Абдурахмон Азимов. — Шу боис ҳам илмий техника бўлимини очиб, фан арбоблари билан биргаликда янги агротехнологияларни тадбир қилиб, уларни қайта ишлаб янги махсулотлар ишлаб чиқаришга қарор қилдик.

Тадбиркорлар «XXI аср мўъжизаси» ҳисобланган, ватани Парагвай ва Бразилия саналган ширин, доривор «Стевия» ҳамда «Бата» (ширин картошка) ўсимликларини юртимизда етиштирилар. Шифобахш «Стевия»-

дан чой ҳам тайёрлашга муваффақ бўлишди. Ушбу ўсимликдан тиббиётда ҳам кенг фойдаланса бўлади. Шунингдек, батат картошканинг ажойиб томони, ўсимлигининг бир донаси 25 килограммгача ҳосил беради, ундан шакар, ун, крахмал, спирт махсулотлари олиш мумкин. Қандолатчилик соҳасида ширинликлар тайёрлашда фойдаланса бўлади.

Тадбиркорларнинг келгуси режалари ҳам бисёр, аммо ниятлари битта — халқ фаровонлигига, юрт равнақига муносиб ҳисса қўйишдир.

**СУРАТДА:** тадбиркор Абдурахмон Азимов етиштириётган ва қайта ишлаётган махсулотлари билан; батат картошкеси ва ундан қайта ишлаб олинган махсулотлар.

### ИСТИҚЛОЛ — ТАҚДИРИМДА

## Ушалган орзулар

◆ Кўчкор ЭРМАТОВ, «Тарнов-Боши» маҳалласи оқсоқоли, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби:

— Халқимиз учун бебаҳо неъмат, буюк бахт саналмиш мустақилликнинг ҳар бир ўтаётган дамларини кўзларимга тўтиб қилгим келади. Қалбимиздаги Ватанимизга, азиз она тупроғимизга бўлган муҳаббат истиқлол туфайли шундай алангаликки, ана шу ишқ яратишга, юртни яшатишга ундамоқда.

Мустақиллик боис биз «Она юртим», «Менинг маҳаллам» деган сўзларни ҳамма жойда эркин, баралла айтиш имконига эга бўлдик. 32 йилдан бун маҳаллага раҳбарлик қилаётган бўлсам, унга берилган эътибор, ҳуқуқ, унинг гуллаб-яшнаши, Ватан ичра Ватан бўлиб чарақлаши учун яратилган имкониятлар мустақиллик шарофати ила юзага келди. Шу боис ҳам маҳалламизда истиқомат қиладиган 2100 нафардан ортиқ аҳоли, 360 хонадон истиқлолда ўз истиқболларини, фарзандлари камолини қўриб яшамоқда. Бу йилларда



маҳалламиз ободлиги, саранжом-саришталиги ортмоқда. Маҳалламизда замонавий тарзда бунёд этилган гузар биносига бу ерда истиқомат қилувчилар учун шундай масканга айланганки, унда жойлашган маиший, савдо, солиқ ходими хоналари ҳамда 500 кишига мўлжалланган тантаналар зали хизматидан барча мамнун.

Мен ҳам педагог сифатида азиз фарзандларим, маҳалла оқсоқоли сифатида маҳалладошларимга қилган хизматларим меvasини мустақиллик туфайли тотибдим. Не бахтки, 1999 йилда Президентимизнинг Фармонида кўра «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирландим. Умр бўйи орзу қилган Ҳаж зиёратига қўлаб ҳамюртларим қаторида эсон-омон бориб келганимдан беҳад мумнунман. Истардимки, ҳар доим пиру бадавлат қарияларимизнинг дуолари ижобат бўлиб, улар айтганидек юртимиз тинч, мустақиллигимиз мустаҳкам, фарзандларимиз ботир ва ўқтам бўлсин.

### МАҲАЛЛАНИНГ — ОТА - ОНАНГ

## Меҳр - оқибат кўргони

Тумандаги 50 та маҳаллада соғлом оилаларни шакллантиришга, ёшларни ҳар томонлама барқамол қилиб тарбиялашга, аҳолининг маънавиятини, ҳуқуқий билимини оширишга, ободонлаштириш ишларини олиб боришга эътибор қаратилган.

Шу йилнинг Наврўз байрами арафасида Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилган «Энг обод маҳалла» кўрик-танловининг ғолиби бўлган Аҳмаддон Назаров номи маҳаллада 1998 йилдан бунёд тадбиркор ва ташаббускор, фидойи инсон Собирхожи Комилов оқсоқоли қилиб келмоқда. Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда оқсоқол бошчилигида маҳалла идораси бутунлай янгидан таъмирланиб ўзгача қиёфа кашф этди. Хотин-қизлар кенгаши, маънавият ва маърифат, ёшлар хоналари бунёд этилиб, керакли жиҳоз ва ашёлар билан таъмин-

ланди. Шуниси эътиборлики маҳаллада барча юмушлар ҳамжихатликда амалга оширилади, маҳалла оқсоқоли ва фаоллар ҳар бир оилага кириб боради. Маҳаллада шахримизда биринчилардан бўлиб маҳалла ҳақида барча маълумотларни жамлаш учун паспорт тизими ишлаб чиқилди.

Маҳаллада олиб борилаётган ҳар бир иш ўз ижобий самарасини бермоқда. Шу боис Республикада ўтказилган «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Энг ибратли маҳалла», «Энг тинч ва осойишта маҳалла» кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритишди.

Аёллар ва болалар доимо эътиборда бўлганлиги боис ҳам бу ерда соғлом ва барқамол авлод вояга етмоқда. Энг қувонарлиси, Оналар ва болалар йилида маҳаллада замонавий — барча талабларга жавоб берадиган стадион ва спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Маҳалла аҳли Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини дилда эзгу ниятлар билан қутиб олмоқда. Ҳали олдинда режалар бисёр. Режаларда белгиланган ишларнинг барчаси маҳаллани ободонлаштиришга, уни азиз Ватанимизнинг энг гўзал ва маънавияти юксак инсонлар яшайдиган масканга айлантиришдир.

### МАЪНАВИЯТ

## Мақсадга эришилмоқда

Маънавият ва маърифат маркази туман аҳолисини юксак маънавиятга эга, маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик таълим билан таъминланган, шахсий ва умумий манфаатларини ўзаро уйғун қириб оладиган эркин шахс ва онгли инсон сифатида тарбиялашда самарали ҳисса қўйишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган.

Чиндан ҳам маънавият — қалб кўзгусидир. Шу боис ҳам қалбда жамланган барча гўзалликлардан муҳаббат сазоқат юзага келади. Юртга муҳаббат, миллий истиқлол гоёларига садоқат, миллий урф-одат ва қадриятларимизни эъзозлашни кўнгилга жо қилиш — бу мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Бу эса, албатта, ёшларимиздан, буюк Ватанимиз эрталаридан бошланади.

Ана шу мақсадларга эришишни ўз олдида режа асосида қўйган марказ ишчи гуруҳи тузиб, улар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Туман прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, хотин-қизлар кўмитаси, туман халқ таълими бўлими, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ишчи гу-

руҳи таркибига кирган. 2001 йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола» Давлат дастури тўғрисидаги қарори ҳамда бунга асосан Тошкент шаҳар ҳокимининг қароридан келиб чиқиб кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Она ва бола» Давлат дастурининг ҳамма боб ва бандларини бажариш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу борада тумандаги барча маҳалла, ташкилот, таълим масканларида ўтказилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. «Миллатимиз — шаънимиз» мавзусидаги учрашув ва давра сўхбатлари ёшларни миллий гуруҳ руҳида, ватанпарвар қилиб тарбиялашга муҳим ҳисса қўйса, «Миллий истиқлол мафқураси ва ёшлар тарбияси» анжуманидан кутилган асосий мақсад ёшларнинг сиёсий онгини шакллантириш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдир. Шунингдек, «Конунни ҳамма билиши керак», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганамиз» мавзусидаги тадбирларга шаҳар «Ҳуқуқий тарғибот маркази»дан маърузачилар тақлиф этилди. Қисқиси, марказ томонидан ўтказилаётган ҳар бир тадбирнинг ўзига хос аҳамияти бор ва қўзланган мақсадга эришиш режаланган.

Шу тарихи ҳозирги Амир Темур майдонидан бошланиб Фарғона йўли кўчаси чап томони бўйлаб Қўйлиққача, Қўйлиқдан Тошкент Халқа йўли бўйлаб «Роҳат» кўли билан туташ жойлар, «Паркент» бозори бўйлаб 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти билан туташ бўлган Ҳамза кўчаси бўйлаб яна Амир Темур бош майдонига туташадиган 3 минг гектардан ортиқ майдонга эга Ҳамза тумани қад ростлади.

Бугунги кунда туманда 100 дан ортиқ миллият вакиллари 50 та маҳаллада аҳилликка яшамоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан маҳаллалар ўзарига берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида барчанинг бошини қовуштириб, ҳар бир фуқаронинг ҳаётда ўз ўрнини топишида кўмаклашмоқда.

Ҳамза тумани мустақиллик йилларида айниқса чирой оқди, гуллаб-яшнади. Қад ростлаган бири-бирдан гўзал маҳалла гузарлари, қўркам ва замонавий турар-жой бинолари, қўшма ва хусусий корхоналар, коллеж ва академик лицейлар, мактаб ҳамда болалар боғчалари, равон йўллар, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, қўйингки барча-барча бунёдкорлик юмушлари юртимиз ривож, мустақиллигимиз мустаҳкамлигини, халқимиз фаровонлиги йўлидаги ишлардир. Бир сўз билан айтганда, туман аҳли Истиклол туфайли ўз истиқболларини белгиллаб, иқболларини топишмоқда.

## Туман тарихидан

Ҳамза туманининг тарихига назар ташласак унинг сарҳадларида жойлашган худудларда халқимиз минг йиллардан бунёд яшаб, ижод қилиб келаётганининг гувоҳи бўлаемиз.

Ҳамза номини олгунга қадар туманининг бир қисми Тошкент вилоятининг Қорасув туманига тегишли бўлиб, бу жойларни обод қилиш, бугу роғлар барпо этиш учун Фарғона водийсидан миришкор деҳқонлару боғбонлар сафарбар этилган. Натижада 40-йилларга тўқай, қамишзор бўлган жойларда пахтазору экинзорлар, боғлар бунёд этилиб, Охунбобоев, «Ўткир» жамоа хўжаликлари ташкил қилинган. Кейинчалик майдорқ жамоа хўжаликлари бирлаштирилиб, бу ерда меҳнат қилган соҳибкор боғбону деҳқонлар Тошкент шаҳри аҳолисини мўл-кўл мева ва сабзавотлар билан таъминланганлар. Машҳур боғбон Ризамат ота, жамоа хўжалиги раиси Қирғизбой оталар кечаю-кундуз меҳнат қилишган.

1966 йил 26 апрелдаги машҳур зилзила оқибатида пойтахтимиз катта зарар кўрди. Ана шу зилзиладан талофат қўрган аҳолига турар жой бинолари қуриш учун Қорасув туманидан жой ажратилди. Натижада бу ерларда янги уйлар, йўллар, маданий-маиший хизмат шохобчалари қурилди. Дастлаб бу жойлар Мирзо Улўғбек туманига қўшилган. Кейинчалик шаҳар кенгайиши оқибатида Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1968 йил март ойидаги Фармони билан Ҳамза тумани ташкил қилиниб, унинг тарихига Мирзо Улўғбек ва Юнусобод туманларининг бир қисми ҳамда Тошкент вилояти Қорасув туманининг катта бўлаги қўшиб берилди.

Шу тарихи ҳозирги Амир Темур майдонидан бошланиб Фарғона йўли кўчаси чап томони бўйлаб Қўйлиққача, Қўйлиқдан Тошкент Халқа йўли бўйлаб «Роҳат» кўли билан туташ жойлар, «Паркент» бозори бўйлаб 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти билан туташ бўлган Ҳамза кўчаси бўйлаб яна Амир Темур бош майдонига туташадиган 3 минг гектардан ортиқ майдонга эга Ҳамза тумани қад ростлади.

Бугунги кунда туманда 100 дан ортиқ миллият вакиллари 50 та маҳаллада аҳилликка яшамоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан маҳаллалар ўзарига берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида барчанинг бошини қовуштириб, ҳар бир фуқаронинг ҳаётда ўз ўрнини топишида кўмаклашмоқда.

Ҳамза тумани мустақиллик йилларида айниқса чирой оқди, гуллаб-яшнади. Қад ростлаган бири-бирдан гўзал маҳалла гузарлари, қўркам ва замонавий турар-жой бинолари, қўшма ва хусусий корхоналар, коллеж ва академик лицейлар, мактаб ҳамда болалар боғчалари, равон йўллар, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, қўйингки барча-барча бунёдкорлик юмушлари юртимиз ривож, мустақиллигимиз мустаҳкамлигини, халқимиз фаровонлиги йўлидаги ишлардир. Бир сўз билан айтганда, туман аҳли Истиклол туфайли ўз истиқболларини белгиллаб, иқболларини топишмоқда.

Саҳифани Шарифа ИЛЕСОВА тайёрлади.

**МУШОҲАДА**

**Сув — ҳаёт манбаи**

Инсон ҳаёти табиий муҳит билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам табиати муҳофазаси қилиш, унинг мусаффолигини сақлаб қолиш инсониятнинг муқаддас бурчи. Техника тараққиёти ривожланиши билан инсон юртининг ҳўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга кўрсатилган таъсири янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Бу масалалар ичида энг асосий тоза сув муаммосидир. Чунки ҳаётнинг сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Табиат ҳосиласи бўлган сув сановат корхоналари, қишлоқ ҳўжалик экинлари, халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун зарур омиллардан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлайдиган шаҳар «Сувсоз» трестининг асосий сув манбаи Бўзсув канали ҳисобланади. Бундан ташқари ер ости суви олиш иншоотларидан фойдаланиш захираларини тўлдирish учун Чирчиқ дарёси суви ишлатилади. Ҳозирги кунда аҳолини сув билан таъминлаш учун Қибрай ва Жанубий сув олиш иншоотлари, Сергели ва Бектемир туманлари суви олиш бошқармаси ва канализация тармоқлари хизматидан фойдаланилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳудудида ҳозирги кунда умумий ҳисоб бўйича юздан ортиқ каналлар оқиб ўтади. Бу каналлар шахримиз табиий иқлимини сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Сув тўлиб оқувчи Бўзсув, Анҳор, Бўрижар, Салор ва Қорасув каналлари шаҳарнинг тўққизта тумани оралаб ўтади. Шаҳарнинг соғлом экологик ҳолати асосан мана шу иншоотларнинг ҳан қаражада тозаланишига боғлиқдир. Шунинг назарда тутиб кўришда асосий эътиборни ушбу сув ҳавзалари ҳолатини соғломлаштириш, яхшилаш, сув ўтказгич имкониятини нормаллаштиришга қаратилган. Айтиш мумкинки, бу борда нозоратчиларимиз «Вилот қишлоқсувхўжалиги» бошқармаси ходимлари билан биргаликда талай ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, ҳар йили йирик каналлар бўйича «Экология ва соғломлаштириш» тадбирлари ўтказилади ва бунинг натижасида каналларнинг қирғоқ бўйлари мустаҳкамланади, ўзларини лойқадан ва қамшилардан тозаланади. Шундай ҳамкорликда инсон саломатлигига таъсир этувчи оғир металллар сезиларли даражада қамалганини қайд этилмоқда.

Бундан 2,5 йил муқаддам табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг тақлифига асосан шаҳар ҳокимлиги Салор каналини қайта таъмирлаш ва соғломлаштириш ҳақидаги 239-рақамли қарорини эълон қилди. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки Салор канали Чирчиқ дарёсининг қон томирларидан бири ва у шаҳарнинг олти туманидан 24,5 километр узунликда оқиб ўтади. Унинг қирғоқ бўйлари сановат корхоналари, ташиқлотлар ва аҳоли эгаллаган. Юқоридаги қарорни бажаришда қўмитамиз нозоратчилари шу олти туман бўйича реид ўтказдилар ва бу ҳақдаги тўлиқ маълумот ва тақлифлар шаҳар ҳокимлигига юборилди. Шундан кейин «Уздавсувлоийха» институти томонидан канални қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди, таъмирлаш ишлари ёнма-ён равишда

бошлаб юборилди. Бу ишлар Салор каналининг шаҳар ҳудудидаги қирғоқ бўйларида бошланди. Бу-шунги кунда бундай хайрли ишларни шахримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи бир қатор каналлар хусусан, Қорасув, Қайқовус ва бошқаларда ҳам олиб бериш мўлжалланмоқда.

Тошкент шаҳар ҳудудида сув ресурсларидан фойдаланувчи 650 йирик ва кичик, 2500 дан ортиқ ўрта ва кичик бизнес корхоналари бўлиб, улар сув манбаларига турлича таъсир кўрсатади. Юқорида қайд этилган каналларнинг 250 таси оқиб тоза сув манбаларидан фойдаланувчи ёхуд очиқ тоза сув манбаларига оқиб сув ташлайдиган корхоналардир. Шуларни ҳисобга олиб Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси нозоратчиларининг эътибори улар билан баҳамжиҳат иш юритишга қаратилган.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг бажарилишини нозорат қилиш бўйича Тошкент шаҳар маҳсус аналитик нозорат лабораториясидан ташқари яна қўшимча 12 та нозоратчи хизмат қилади. Ўтган ҳисобот даврида нозоратчилар томонидан 330 та комплекс текширув ва 79 та мақсадли текширув ўтказилди. Бундан ташқари қўмитамиз нозоратчилари 22 та прокурорлик текширувида иштирок этдилар ва 6 та юқори ташкилотлардан тушган шикоятларни қўриб чиқдилар. 237 шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди ва уларга 22750 сўм миқдорда жарима солинди, шундан 195 киши мансабдор шахслар ва 42 киши фуқаролардир.

Сув ресурсларидан маҳсус рухсатномасиз фойдаланган иккита сув олиш иншоотининг иш фаолияти тўхтатилди. Сувдан ҳўжаласизларча ва эҳтиётсизлик билан фойдаланган 23 шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида 1630 банддан иборат бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар берилди. Асосий эътибор фақатгина камчиликларни аниқлашга эмас, балки сув ҳавзаларини соғломлаштириш учун мўлжалланган экологик муаммоларни ҳал қилишга ҳам қаратилди. Шу мақсадда корхоналар томонидан 69 та 1873,6 миллион сўмга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Натижада «Агрегат» хиссадорлик жамиятида 315 куб метрга мўлжалланган айланма сув системаси қуриб ишга туширилди. Бу билан ичимлик суви йилига 16 минг куб метрга тежалди. 35,2 километрни канализация, бундан ташқари 52,2 километр сув узатиш тармоқлари қуриб ишга туширилди.

«Узбекидроггеология» ва «Сувсоз» трести мутахассислари асосий сув олиш иншоотлари учун (II-III минтақа) санитар муҳофазаси қилиш минтақалари масофасини асослаб бериш ишларини бажардилар.

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, шахримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи сув ҳавзаларини ва сув олиш иншоотларининг экологик ҳолатини яхшилаш ишлари давом этмоқда.

**Дилдора СУЛТОНОВА,**  
Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг давлат ноэри.

**МУЛОҲАЗА**

**Атроф-муҳит муҳофазаси — эътиборда**

Бутун оламни ўраб олган атроф-муҳит, яъни ҳаво, сув, tupроқ ва ундаги табиат манбаларисиз тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, табиий манбалардан нотўғри фойдаланиш оқибатида аҳоли яшайдиган йирик шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофазаси қилишда жиддий хато-камчиликларга йўл қўйилиб, бир қатор экологик муаммоларни келтириб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликдан кейингина табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида бир қатор Қонунлар қабул қилиниб, унинг ижроси таъминланаётганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Жумладан, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилда «Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Шу Фармондан келиб чиққан ҳолда табиатнинг барча соҳалари атрофлича ўрганилиб, тахлил қилиниб, 1993 йилда «Сув ва сувдан фойдаланиш», 1996 йилда «Атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш» тўғрисидаги Фармонларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республикада биологик хилма-хилликни таъминлаш мақсадида 1997 йилда «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазаси қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш билан бирга мавжуд санитария қоидаларига риоя қилишни тартибга солиш ва кучайтириш мақсадида 1998 йилда «Санитария қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарор қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлаш санитария-эпидемиология хизмати ва бир қатор ташкилот муассасалари зиммасига юкланди. Барча ташкилот, муассаса ва ишлаб чиқариш корхоналари иш жараёнлари қонун билан табиати муҳофазаси қилиш органлари томонидан нозорат қилиниши йўлга қўйилди. Шунингдек, кераксиз чикиндилар ва уларни қайта ишлаш, тозалаш иншоотлари қуввати ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқаришни жорий этишдаги экологик муаммолари ҳал қилинмоқда. Натижада атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш табиий манбалардан оқилона фойдаланишда ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисидаги юқоридаги қонунларни бажариш билан атроф-муҳитни муҳофазаси қилишдаги муаммоларни бартараф этишда Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси жамоаси ҳам муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Пойтахтимизда 11 та туман бўлиб, уларда 474 та маҳалла, 2,5 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Мактаб, болалар боғчаси, корхона, муассасалар ишлаб турибди. Уларда қўмита давлат нозирлари томонидан олиб борилган режа асосидаги текширувлар ўз самарасини бермоқда.

Тасдиқланган режага қўра қўмитамиз ДАН ходимлари билан ҳамкорликда 30 та корхонада текшириш ўтказмоқда. Улардан 13 таси автомобиль ёнилғи қўйиш шохобчаси, 15 таси автокорхона ва 2 таси эса техник хизмат кўрсатиш шохобчаларидир. Текшириш натижасида автомобиллардан чиқаётган ифлослантувчи газ ва дуд миқдорига қараб 426 та автомобиль қўрувдан ўтказилди. Шулардан 302 тасида захарли газлар миқдори бўлиб, улардан 34 таси мейёрдан ортиқ захарли газ билан, 124 таси қайта ишланган дуд билан, 10 таси мейёрдан ортиқ дуд билан ифлосланганлиги аниқланди.

Режага асосан 33 корхонанинг жавобгар маъмурий шахсларига нисбатан 119450 сўм миқдорда жарима солинди. Автомобиллар атмосфера ҳавосини ифлослантувчи, табиатга, одамларга катта зарар етказмоқда.

Аҳолининг экологик маънавиятини ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари кенг кўламли олиб борилиши лозимлиги юқоридаги мисоллардан кўриниб турибди. Айниқса, ёз мавсумида бу ишга кўпроқ эътибор қаратиш лозим бўлади. Акс ҳолда ўткир юқумли ошқоринчак касалликларнинг тарқалиши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли жойларда тозалик, ободончиликка риоя қилиниб очиқ сув ҳавзаларини ифлослантувчи заруриликни кенг тушунтириб боришимиз лозим.

**МУАССАР ЮСУПОВА**

**ТУМАНЛАРДА**


**Камчиликлар аниқланди**

2-трамвай депоси Акмал Икромов туманининг Лутфий кўчасидаги 57-ўйда жойлашган бўлиб, унинг асосий иш фаолияти йўловчиларни ташув ва вагонларни таъмирлашдан иборат. Корхонада ишчилар сони 673 кишини ташкил этади. Унинг ҳудуди эса 9,2 гектар майдонга эга. Корхона суви билан асосан шаҳар суви узатиш тармоғи ва корхона ҳудудида жойлашган артезиан кудуги таъминлайди. Сувдан мейёрдан фойдаланиш ва маийши чикиндиларни ўз вақтида чиқариб ташлаш бўйича шартномалар тузилган. Маҳсусан, атмосфера ҳавосига зарарли моддаларни чиқариш манбаининг инвентаризацияси 2001 йилда «Турфакор» фирмаси томонидан тузилган ва шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси тасдиқидан ўтган. Рухсатнома мuddати 2006 йилгача қилиб белгиланган. Шунингдек, чикиндиларни мейёрлаш лойиҳаси эса «Бойик» шўба корхонаси томонидан тузилган.

Лекин шунга қарамай, ушбу корхонада текшириш вақтида бир қанча камчиликлар ҳам аниқланди. Хусусан, нозоратчилар корхона ҳудудида жойлашган артезиан кудуги учун сувдан маҳсус фойдаланидиган рухсатнома мuddати шу йилнинг бошида тугаганини аниқлашди. Бу қоидабузарликка йўл қўйган корхона бош мудириси Тожир Расулов Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик кодекси 74-моддаси бўйича 7000 сўм жаримага тортилди.

**О. ТУРОВОВ,**  
давлат ноэри.

**Мақолаларни Махсуд ҚОБИЛОВ тайёрлади.**



Китоб дўстлари. Равиль Альбеков олган сурат.

**КўНГИЛ ТАШАККУРИ**

**«Сумбул иси»ни ўқиб**

Яқинда таниқли адибамиз Холида Ахророванинг «Сумбул иси» китобини ўқидим. Бундан олдин ҳам муаллиф «Изларини излайман» китобини ўқувчиларга ҳавола қилиб, қизил мустамлакачиларнинг асл қиёфасини очувчи тадқиқларини ўртага қўйган эди. Бу сафар Холида опа ўз оталари — маърифатпарвар зиёли инсон Саид Ахрорий ҳақида ҳужжатли воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилган.

Саид Ахрорийнинг миллий мустақиллик, элнинг бахт-салолати, эрк ва озодлик учун кураш олиб боргани, замоннинг энг илгор кишилари билан бир сафда ишлагани, «Изларини излайман» китобини ўқувчиларга ҳавола қилиб, қизил мустамлакачиларнинг асл қиёфасини очувчи тадқиқларини ўртага қўйган эди. Бу сафар Холида опа ўз оталари — маърифатпарвар зиёли инсон Саид Ахрорий ҳақида ҳужжатли воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилган.

Наشريёт режасида қизимизга мос кичикроқ асар бўлса, берсин. Қизимиз ҳам бекор юрмай, қаламини чарчлатсин...»

Қўришни турибдики, бу устозлар ёш таржимонага фақат ўғит бериш билан эмас, амалий ҳаётда ўзини топишда ҳам кўмаклашганлари ҳозирги баъзи устозларга-да ўрناк бўларлиқлар.

Лекин фақат яхшиликдан бошқасини ўйламайдиган бу ишдоркорлар ҳам бошқалар билан олдинма-кетин авахталарга тақилгани тўғрисида муаллиф қуёниб вади: «Нима гуноҳи бор эди уларнинг? Ҳеч қим билмайди. Яна ҳамма жим... жим...» сўзига ва ўртадаги ангашилмас ҳолатга эътиборни қаратганга беҳиз эмас, албатта. Бу билан адибамиз ўз даврининг амалдор кишилари, озми-қўми таъсир кучига эга бўлган барча зиёлилари ўз савдошларининг қамалишига жимгина, кўрқоқларча қараб турганларига ўз нафратини ифодалайди.

Китобда саҳийқалб инсон Шухратнинг мардлиги, Миртемир домланинг ўта қамтаринлиги, ҳассос шоира Зулфия опанинг барча ходимларда гўзаллик туйғусини тарбиялашдаги намунали ишлари — хар баҳор хоналарини янги чиққан гуллар билан, чуноччи, сумбул билан безашлари, ходимларга чин инсоний муносабатлари — ота-онаси, бола-чакаси аҳолини, кайфиятини суриштиришлари, айна чоғда журнал йўналиши ҳақида қайғуришлари («Ўзингизни қишлоққа ўғиринг. Муштарийларимиз, асосан қишлоқ аҳли экани ёдингиздан кўтарилмасин» деб ўргатганлари) ўқувчида яхши таассурот ва ҳажон ўйғотди. Метин иродали, сабрли шоирамиз Саида Зуннувананинг инсонга ҳамдард, ҳамнафаслиги ҳам ўқувчинини маънан бойитида ва яқин ўтмишдаги ажойиб кишиларимиз ҳақида эҳтиромли ўйларга толдиради.

Китобнинг «Сабр косаси» деб номланган иккинчи қисмида адибамиз асосан ўз шахсий ҳаёти, оиласи ва қон-қариноқларининг тақдирини, маҳалладош кишилар, ўтган ва яшаб турган хилма-хил инсонларнинг фаолиятлари, табиатлари, ҳаётда қолдирган илзари ҳақида ҳикоя қилади.

Мен «Сумбул иси» китобининг айрим тафсилот ва хусусиятларини қаламга олдим, агар тўла тадқиқ қиладиган бўлсам, қўлдан-қўл ташинган лойиқ парчаларни келтирардим. Ҳозир эса бу китоб дунё юзини кўргани учун, ўқувчиларга ўтган кунлар ҳақида тўғри маълумотлар бергани учун кўнглимнинг ташаққури-ни билдириш билан қиёфаланаман.

«— Менга қара, Мирзо, — дедилар тўсатдан Махсуд опа (гап Мирзақалон Исмоилий билан Шайхзода ҳақида бораётди — М.А.) — янги чиккан таржимонимизни ҳам ола борсақ-чи, нашриётга. Айни мавруди-да! Жалолхон билан таништириб қўямиз. Ҳа, биз бошлаб борганимиз қандай.

**Миразиз АбЗАМ**

**Шарқ дурдоналари**



**ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИШ ДОМО БУЛАВ...**

**ЎЛҒОННИ РОСТ ҚИЛИШ**

Отанинг мухлисларидан бири ва менга яқин акаҳон бўлиб қолган Усуббек ака бир қизиқ қилиқ чиқариб олди. У уйимизда бўлган хар бир меҳмондорчиликда қатнашар ва ҳовли ишларида доимо ташаббус кўрсатарди. Бир йили таътилга борсам, қиבלағоҳим афсусланиб: «Усуббек кўп алдайдиган бўлиб қолди-да, одам юборсам, бораман, дейди, аммо келмайди», — деб қолдилар.

**Ўлғон сўздан обрў тўзон бўлади, Умр гулзорлари ҳазон бўлади. Алданган кишидан кўра алдовни, Алдовчига кўпроқ зиён бўлади.**

Мен у пайтда падари бузуқворимнинг сўзларига унчалик аҳамият бермаган эканман. Улар оламдан ўтиб, ўзим бир неча йил Марҳаматда яшадим.

**Карвон борар манзил сари охиста, Кетмоқда ҳаммаси нари охиста. Кеч онам кетди, бугун-чи отам, Билинми кетмоқда бари охиста.**

Қиבלағоҳимдан сўнг, Усуббек ака менга суяниб қолган эди. Бироқ ўлғон гапириб, мени ҳам алдашда давом этарди.

**Ўмоннинг ишонган қуроли алдов, Бахт дея ўйлаган ҳаёли алдов. Бировни алдаса кўнгли шод бўлар, Билмаски, обрўнинг заволи алдов.**

Бир кун уни чақиртириб келдим. Орада жиддий сўз бошланди:

— Усуббек ака, — дедим унга, — Ҳадиси шарифда: «Ўлғон иймонни қирқайди» дейилган. Сиз бизларни тинимсиз алдаясиз. Ахир ваъдага вафо марднинг иши, дейилган-ку! Ёки шер изидан, мард сўзидан қайтмайди, деган мақол ҳам бор.

**Кишида бўлмаса ваъдага вафо, Оқибат ишлари бўлади наво. Ваъдага вафоси бўлмаган эрни, Жазо бирла қилмоқ керак мудово.\***

Ваъда бериб, ваъдада турмайдиган, хиёнаткор одамни улуг уламолар ҳам, азиз машоихлар ҳам, оддий инсонлар ҳам қоралайди.

**Хиёнатдан бошинг кетар бир кун, Дарё мисол ёшинг кетар бир кун. Ўзим дема, яна эл назаридан, Қавму қариндошинг кетар бир кун.**

Сизни фақат мен эмас, атрофимиздаги биродарлар ҳам «Ўлғончи, алдовчи, хиёнатчи» деб атамоқдалар. Ўз обрў-эътиборингиз ҳақида ўйласангиз бўларди!

**Хиёнат тинчликни емирур олов, Ёмонлик ўтига мисоли қалов. Қайда у юзини кўрсатса ногоҳ, Ўрақлар кул бўлиб, қуяди лов-лов.**

Мен гапириб бўлгунча Усуббек ака бошини қуйи осилтириб, кўзларини юмиб, жимгина эшитиб ўтирди. Сўнг бошини кўтарди.

— Ука, — деди у, — мен шу ёшгача хали бировдан гап эшитмаганман ва бундан кейин ҳам эшитмайман. Хурматли қиבלағоҳингизнинг ўзлари: «Ўлғонни ростдек гапириш керак», деганлар.

Гап нимада эканини шунда англадим. Отанинг ҳузурда бир неча жиянларим араб тилида дарс ўқир ва Қуръон тиловатини ўрганар эдилар. Кўпинча улар уялиб ёки сир босиб, билган нарсаларини ҳам дадил айтмоқса эдилар. Шунда қиבלағоҳим уларга: «Бизнинг Бухородаги устозимиз Мулла Асвад Махсум, водийликлар мулоим ва уятчан бўладилар, бухороликлар эса дадил. Водийликлар билганини ҳам тўлиқ айтиб беролмайдилар, одам шу даражада дадил ва қўрқмас бўлиши керакки, агар ўлғон гапирётгани бўлса ҳам, ўзини гўёки рост гапирётгандек тутмоғи керак», — дер эдилар. Бу билан жиянларни дадилликка даъват қилардилар. Иккинчи синф маълумотига эга бўлган содда Усуббек ака уни бошқача, яъни ўлғон гапириш мумкин экан, деб тушунибди. Натижада нафақат бизни, балки қиבלағоҳимизнинг ўзларини ҳам алдаб юрган экан.

**Ўлғон сўзда марди майдонлик ёмон, Ростлик турганида ёлғонлик ёмон. Ҳаммасидан кўра зарор ботида, Ёмондан ёмони — нодонлик ёмон.**

Мен Усуббек акага бу гапнинг мазмунини узок тушунирдим. Нотўғри тушунганини тан олди. Ҳеч қимдан гап эшитмаган Усуббек ака бугун мендан эшитди. Бироқ менинг дўстларча айтган гапимдан хафа бўлмади. Шундан сўнг унинг ҳаётида ўлғон ва алдовни кўрмадим.

**Ёмон иш — ўзингни оқлай билмаслик, Инсонлик одобин сақлай билмаслик. Ёмондан ҳам ёмон битта иш борки, Дўст билан душманни фарқлай билмаслик.**

● Мудово — даволаш.  
**Махмуд ҲАСАНИЙ.**



Ўз кунларида қўлда сайр қилишга нима етсин.

**ТЕКШИРУВЛАР**

**Қачонгача жарима тўлайсиз?**

● «Бек-нон» корхонаси раҳбари ўринбосари А. Иброҳимовга давлат экологик экспертизаси ижобий ҳулосасини олганини қимматга туши. У бу қоидабузарлиги учун 7350 сўм жаримага тортилди.

● Назоратчилар ядро физикаси институтида бўлганларда атмосфера ҳавосига захарли физик таъсир кўрсатиш ҳолатига дуч келдилар. Бу ишга маъсум институт бош мудири А. Хайтмирзаевга инстандан 6000 сўм жарима солинди.

● «Тошмарғаб» хиссадорлик жамияти шахримиздаги йирик корхоналардан бири. Шу корхонада ҳам атмосферага ифлослантувчи мод-

# Бажиб дунё

## Гапирувчи лайлак

Италиянинг Александрия шаҳри ташқарисида яшовчи Донателлолар оиласи айвонда нонушта қилиб ўтиришганди. Кандайдир соя қўш нурлана тўсди. Бир лаҳза ўтмасдан столда лайлак пайдо бўлди.

Хамма қўтилмаган ҳолатдан қотиб қолди. Қўш бўлса соф италиян тилида «Салом, жаноблар, мен жуда очман!» деди. Ва у индмасдан столдан макорони олиб ея бошлади. Уй эгаси Бенито Донателло лайлакнинг столнинг устидаги ҳамма нарсани ейишини қўтиб турди. Сўнг чакқонлик билан ушлаб полга қўйди. Қўш ҳеч қаршилик кўрсатмади. Кейинчалик аниқланишича, лайлак гастролда юрган кўча циркдан қочган экан. Шу пайтгача бирон марта лайлаклар гапирувчи қўш сифатида ўзларини кўрсатмагандилар, деб ёзади италиян газетаси «Республика».

## Шаҳар узра

### учаётган ўргимчак

Америкалик ҳайкалтарош Петрик Бремел ёгондан бир неча юз баробар қатталаштирилган турли хашаротларни ўяди.

Унинг ўймаларидан гигант ўргимчаклар, нинчалар, чаёнлар, киркөөклар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳосил бўлади. Нобё ёгондан фойдаланган учун у ясаган нарсаларига ўзига хос табиий йиллик ҳамда эластиклик бахш эта олади.

Бремел яқинда ўзининг «хашаротлари»ни Мексика кўрғазма зали эшиги тагига тушираётганда қучли шамол кўтарилиди. Натижада киркөөк, чигиртка ва ўргимчак бурон билан осмонга кўтарилди. Улар шаҳар кўчаларидан унча банд бўлмаган юқориликда «учишди». Уларнинг кўруниши шу даражада ғайриоддий эдики, одамлар ваҳимага тушиб, ўзга сайёраликлар учиб келишяпти, деб ўйлашди. Полиция ва телевидение жуда қийинчилик билан одамларни тинчлантиришди. Кўрғазма очилганидан сўнг эса хашаротларнинг барчаси келиб томоша қилишди. Натижада кўлтирган даромад ҳайкалчарлар муаллифини ҳам, маҳаллий ҳокимиятни ҳам хурсанд этди.

## Ҳақиқатга айланган электрон ҳамёнлар

«Мондекс Израэль» компанияси «электрон ҳамёнлар»ни тарқатишга киришди.

Бошланишида тўловнинг бу янги тури Реховот ва Нес-Ционада истикомат қилувчилар учунгина талқинли. Ундан 300 та савдо нуқталарида харидларга тўлаш учун фойдаланиш мумкин. Параллель равишда «Мондекс Израэль» мижозларга «электрон ҳамён»нинг бошқа тўловларга нисбатан афзалликларини кўрсатиш учун реклама кампаниясини ҳам амалга оширмоқда.

Унинг афзалликларидадан бири ҳамёни уйдан чиқмасдан, банкоматларнинг нақд пулларни беришини истамастикларидан ҳар сафар жиғийбор бўлмаган равишда фақатгина телефон линиясига улаб тўлдириб мумкин.

## Одам кулиб боққанда

Исроилда лото ўйинининг тарихида биринчи марта ютук чиккан одам юзюни никоёб остига беркитмапти. Чунки бу киши — жамоа.

Лотонинг охири ўйналишидаги бош утук чикқан урта билетдан биринчи соҳиб Гиват-Ханим қибуца жойлашган «Пригат» компанияси табиий шарбатлар чикариш бўйича цехнинг 44 ходимидан иборат жамоа. Улар давлат билан ушбу ўйинни ўйнайдилар.

Уларнинг ҳар бири 28 шекелдан бёрдлар ҳамда тушган пулга 22 бланк сойтиб олдилар ва уларда 8 устунни тўлдирдилар. Бу рақамлар тўпламидан бири тўғри чиқди ва 44 киши умумий ҳисобда 6 миллион шекель — ҳар бир ака-сингилга 152 минг шекелдан олдилар.

Бахтли голиблар: «Бу давлат тарихидаги энг ҳаққоний ютук» — дейишди ва: «Пуллар чинданам энг муносиб кишиларга тегди», — деб қўшиб қўйишди.

Тошкент шаҳар қасаба уюмлари Кенгаш Савдо, умумий оқватланиш, матбуот кооперацияси ва турли шаклдаги тадбиркорлик ходимлари қасаба уюмлари шаҳар қўмитасининг раиси А.А. Шонқороева волидан муқаррамаси

**КАРИМА аянинг** вафот этганили муносабати билан чўқур таъзия билдириди.

## Ғина

Ғина, сен ғинасанг, сирли дунё ўйнар,  
Мужгонларинг, кўзларингда зиё ўйнар.

Ноз-карашманг, ишваларинг ярашади,  
Сен ғинасанг, юзларингда ибто ўйнар.

Ошиқларинг висолингги талашади,  
Сен ғинасанг, гулзорларда сабо ўйнар.

Борлиқ-атроф нур қўйнида ёришади,  
Сен ғинасанг, нилгун қўйлак само ўйнар.

Қалбим завқдан, қаддим кучдан тўлишади,  
Сен ғинасанг, оҳанграбо садо ўйнар.

Таманюно тароватинг товланади,  
Сен ғинасанг, қўлларингда хино ўйнар.

Неъмат мунис боқишларинг фидосидир,  
Сен ғинасанг бу оламда вафо ўйнар.

## Севаман

Тонгда менга йўллаган саломингни севаман,  
«Сиз менинг жоним» деган каломингни севаман.

Кокиларинг йўйни, хиромингни севаман,  
Хушнано, дилноз оҳанг мақомингни севаман.

Ҳар бир ишда гўзаллик маромингни севаман,  
Ёнимда юрганингда оромингни севаман.

Баҳор каби дилга сочган илхомингни севаман,  
Меҳр шароби тўла лаъли жомингни севаман.

Кўнгила мушқулун ечган ромингни севаман,  
Майли тоғдек оғир бўлсин ибромингни севаман.

Менга кеча-кундуз берган инъомингни севаман,  
Хусн-жамолингга мос Ҳилол номингни севаман.

Қалбимни мангу асир олган домингни севаман,  
Чаккангдаги гулинг аялганг домингни севаман.

Умр бўйи кўрсатган ихтиромингни севаман,  
Содикликка шаҳодатли комингни севаман.

## Ташлаб кетолмайсан

Агар севгинг чин бўлса, ундан қочиб кетолмайсан,  
Муҳаббатсиз ҳеч бир муродингга етолмайсан.

Севги мисли жон бўлиб, жонингга кирган замон,  
Муҳаббат тоза қон бўлиб, қонингга кирган он,

Ошиқлик тавосини ташлаб кетолмайсан,  
Бош олиб дунёнинг ҳеч ерига етолмайсан.

Осмонга чиксанг, оёбингдан тортгай савдоси,  
Ер қаърига кирсанг, қулоғингдан тортгай даъвоси.

Муҳаббат — ҳаёт, сеvgи — қайноқ жон, ишқ — пок имон,  
Улар қадрига етмаслик — аламли пушаймон.

Севгидан гина қилма, дардингга чора изла,  
Аразин эг, фироқни енг, ғийбатни тизимла!

Муҳаббат — бебаҳо бахт, муҳаббат — мўътабат тахт,  
Уни пок сақламоққа ҳар чоғ ўзингни чоғла,

Ҳасадгўйинг тилу оёгин занжирла, боғла,  
Ошиқлик саодатин курашларда оқла!

Бу оламда бенишон, беиз йўқолмасин сеvgи,  
Ҳеч жойда нотавон, ёлғиз қолмасин сеvgи,

Фурбат домида ҳеч қачон бўғилмасин сеvgи.  
Севгини зор йилгатай, қақшатган пастхаш наслдир,

Муҳаббатни мангу ардоқлаган инсон аслдир...  
Неъмат ЁКУБОВ



ЁЗ — 2001

# Сўлим оромгоҳ бағрида

«Ёз — ўтмоқда соз», дейишмоқда мусаффо ҳаво, соя-салқин дарахтзор, тоғ бағрида жойлашган «Автомобилчи» дам олиш оромгоҳида маза қилиб ҳордиқ чикараётган болақонлар.

Денгиз сатҳидан бандликда жойлашган, «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюмчасига қарашли «Автомобилчи» оромгоҳи Бўстонлик тумани Хондайлик кишлоғининг қоқ ўртасига жойлашган бўлиб, зилол сувлари, ширин-шакар мевалари билан ҳар томонлама ажралиб туради. Дарвозадан киришингиз билан болаларнинг шўх ва ёқимли овозларидан дилингни равшан тортиб, кайфиятингни кўтарилди. Фарзандларимизнинг яхши тарбия топишида, маънавий фазилатлар эгаси бўлиб воёга етишида, ҳаётга нечоғлиқ фаол муносабатда бўлишида ана шундай оромгоҳларнинг хизмати катта.

Болақон дам олиш оромгоҳи директори Йўлдош Очиллов билан суҳбатда бўлганимизда у кишининг дилкаш, шойротабиат, талабчан, мурувватли, болақон инсон эканини аниқлади. У 1986 йилда «Автомобилчи» оромгоҳига директор этиб тайинлангандан сўнг оромгоҳ ҳар томонлама гуллаб-яшнади, бир-биридан хушбўй ва манзарали дарахтларга бурканди. «Автомобилчи» оромгоҳининг мусаффо ҳавосида яқинда 400 та бола ёзги таътиллари мароқли ўтказишга муассар бўлди. Иккинчи мавсумда ҳам 13 та тарбиячи, 11 та қачон 8 та отряддан таркиб топган 400 нафар фарзандларимизнинг маданий ҳордиқ чикаришида кўнглили тadbирлирини уюштирмоқдалар. Тарбиячи Насиба Зарипова, Гулнора Бобонова, Васила Раҳмонова, Соҳиба Рустамова дам олиш ва маданий-

маърифий ишларни тўғри ташкил этишда, болаларни янги ўқув йилига тайёрлашда ўзларининг қизиқарли дастурларидан унумли фойдаланмоқдалар.

Атрофи дов-дарахтлар билан ўралган йўлаклардан юриб чўмилиш ҳавасига келди. Бадантарбия ўқитувчиси Хуршид Равшанов сузиш қондасини ўргатса, шифокор Раҳматилла



Жалилов болаларнинг соғлом ҳолда сувага тушишини олдидан назорат қилиб турибди.

Оромгоҳда турли тўғараклар мавжуд. 4 йилдирки, «Моҳир кўлар» тўғарагига Валентина Зайниддинова бошқоқ бўлиб келяпти. Дам олишчи қизлар турли шакллар ясаш билан бирга бичиш-тикишдан ҳам сабоқ олади-

лар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Иброҳимова рақс санъатини, Дилноза Пардаева дугор чалишни ўргатиб дам олиувчиларни санъатга бўлган иштиёқларини оширмоқдалар.

300 та кичкина томошабинларга мўлжалланган ўйингоҳ ҳеч бўш турмайди. «Нуратфон», «Зилола», «Камалак» дам олиш оромгоҳлари билан

тишича бу ерда 100 та китобсевар бор.

320 ўринли дам олиувчи болаларга мўлжалланган ошхона заллари доим ораста.

Биз бир гуруҳ маза қилиб дам олиб ўтирган болақонлар билан суҳбатда бўлдик.

● **Малик НОСИРХУҲАЕВ, 278-мактаб ўқувчиси:**

— Яхши дам олиш билан бирга теннис ўйинига ишқибоз бўлиб қолдим. Отрядимиз турли мактаб ўқувчиларидан таркиб топшишга қарамай биз жуда аҳил ва инқоиз.

● **Шоҳнам МУСАЕВА, 243-мактаб ўқувчиси:**

— «Моҳир кўлар» тўғарагиде қўшларни ясашни ўргандим. Кутубхонада «Тонг қолдузи» газетасини севиб ўқийман.

● **Малика ҒИЁСОВА, 310-мактаб ўқувчиси:**

— Ҳавоси тоза бўлгани учун тўйимли ва ширин овқатларга иштаҳанг очилиб кетаркан. Зилол сувларини айтмайсизми, таъми мазаги ҳам тоза.

● **Марғуба ҚОСИМОВА, дам олиувчи Қаҳрамоннинг онаси:**

— Боламинг рағ-рўйини кўриб қувониб кетдим. Фарзандларини кўришга келганларга ҳам яхши шароит яратилган.

— Ҳа, тоғ бағрида жойлашган баҳаво «Автомобилчи» дам олиш оромгоҳи сеvimли манзилга айлиниб қолди. Фарзандларимизнинг соғлом ўсиши, илм олиши, меҳнат қобилиятларининг яхшиланишига қўлай шароитлар яратилди. Бундай катта ғам-хўрликка жавобан келажакимиз мевалар камол топиб, она юртимизнинг беназир олқишини оладим.

Усмон МУҲАМЕДОВ, СУРАТЛАРДА: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар. Р.Маҳмуртов олган суратлар.

## ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

# Ичак саратони ривожланишига қарши

Исроиллик олим доктор Бети Шварц биринчи марта ичак саратони ривожланишига тўққинчилик қиладиган микроб ажратиб олишга муваффақ бўлди. Яқинда бўлиб ўтган пробиотика муаммоларига бағишланган табиий симпозиумда у шу ҳақида хабар берди. Доктор Шварц — Куддусдаги Яхудиайлор институти ҳузурдаги кишлоқ хўжалиги факультети ва Овқатланиш институтининг тадқиқотчиси ва етакчи лекторидир. Кўпсонли синовлар оқибатида у инсон ичаги флорасидан йўғон ичакда саратон ҳужайраларини йўқотадиган ўзига хос

киска занжирлик кислоталарни ажратиб чикарадиган микрорганизм ажратиб олди. Ҳали расмий ном берилмаган бу микроб вегетарианлар танасида кўплаб микродога аниқланди. Баъзи олимлар ўсимлик парhezига ўтган одамларда гўш билан озикландирилганларга қараганда йўғон ичак саратони камроқ учрашини шу билан изоҳлашмоқда. Доктор Бети Шварц фикрича, бу ихтиро ичак шомлаши касалликлари ва йўғон ичак саратонига қарши профилактик восита сифатида хизмат қиладиган янги дориларни ишлаб чиқишда катта ёр-

дам беради. Янги микроб инсон танасидан ташқарида етиштирилиб, кейинчалик йогуртларга қўшиб берилиши ҳам эҳтимолдан ҳеч эмас. Зеро, ичак микрорфлорасининг энг муҳим қисми-лардан бўлган лактобактeриялар шундай усулда берилади. Ҳозирги пайтда исроиллик олимнинг синовлари жаҳоннинг бир неча таниқли биокимёв лабораторияларида тақрорланмоқда. Улар муваффақиятли ўтса, доктор Шварц ихтироси ҳақидаги хабар махсус табиий журналларда эълон қилинади.

## ИНСОН ФЕЪЛИ

### Агар телефондаги суҳбатдошингиз...

- «Ал» деса, у ақл-заковатли, кўнгличан, ҳазил-мутойибага мойил. Бундайларнинг асаблари мустақкам, унча-мунчага жаҳли чикмайди.
- «Алло» деб жавоб бергувчилар ичимдагилни топ қабилида иш юритади. Уларга «шапшап» демасдан, «шафтоли» деганингиз, яъни ортика гап-сўз ва эҳтиросиз максадни билдириб қўя қолганингиз маъкул. Шошма-шошарлик қилсангиз, унинг асабига тегасиз, холос.
- «Алло» сўзининг охириги ҳарфини «у»га ўхшатиб чўзиб айтадиган одамлар кўпинча асабий бўлади. Одатда ўрта ёшларда бўлган, аммо ўзини ўта латофатлиман, деб ҳисобловчи аёллар ноз аралаш шундай жавоб беради.
- «Эшитман» деган жавобни давлат муассасаларида ишлайдиган баъзи қуруқ расми-

ятчи одамлар беришади. Бундайларга ҳурматини жойига қўйиб, эгилброк муомала қилсангиз, ишингизни битириб беришади. Акс ҳолда кўнроқ қилганингизга пушаймон бўласиз.

● «Палончиев эшитади» қабилида жавоб берувчиларнинг аксарияти ўзига баҳоси банд кишилар сирасига киради. Бундай одамлар билан суҳбатда бўлганда, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишингиз лозимлигини унутманг.

● Телефондаги «лаббай» жавобини кўпроқ аёллардан эшитасиз. «Лаббай»чилар шойшаймайдиган, ишонувчан ва кўнгличан, ҳийла ваҳимачи бўлади. Бундай кишилар билан ҳам суҳбат бўлсангиз, ортика тақаллуфга берилмай, максадга кўнаверинг. Барбир у сизнинг тақаллуфларингиз қадрига етмайди.

## Нимани хуш кўрасиз?

Инсоннинг феълни фақат телефондаги жавобидангина эмас, унинг нимани кўпроқ ейишига қараб ҳам аниқласа бўларкан. Норвегиялик руҳшунос Олаф Линдстремнинг фикрича:

- Картошка ва ундан тайёрланган таомларни суйиб тановул этувчилар оғир-босиқ табиятли, бошқаларнинг фикрига қулоқ солувчи;
- Карамни ёқтирувчилар кўпчиликнинг фикрига кўнқувчи, ҳисоб-китобли, баъзан ҳасис;
- Помидорни севувчилар оиласига садоқатли;
- Бақлажон ва бўлғор қалампирдан тайёрланадиган емишларга ўч бўлганлар мақсад сари интилувчан, тиришқоқ;

- Сабзихўрлар кўпроқ касалланд, жиизаки, инқиллаб-симқиллаб юрувчилар;
  - Қулпуннай иштиёқмандлари ҳар бир ишни таҳлил қилишга интилувчан, мулоҳазали одамлар сирасига кирар экан.
- Онда сизга битта мурҳам маслаҳатимиз бор. Агар ўзингизда ирода, қатъият етишмапти, деб ўйласангиз, унда шолғом ва турпни кўпроқ енг. Улар сизни яхшилаб «тарбиялаб» қўяди.

Мирзаамир МИРЗАШАРИПОВ тўплади.

## СПОРТ

### Соғломлик паспорти

Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтида талабалар соғлигини назорат қилиш билан боғлиқ таълимий тадбирлар ҳам қўрилмоқда. Олий ўқув юртининг жисмоний тарбия кафедраси томонидан «Соғлом авлод учун» дастурининг ишлаб чиқиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Билимларни назорат қилишининг рейтинг тизими асосига қўрилган бу дастур асосида талабаларга

бакалаврлик дипломи билан бирга «Соғломлик паспорти» ҳам топшириладиган бўлди. Талабалар соғлиги, жисмоний кўрсаткичларини назорат қилувчи бу янгилик республикамиз олий ўқув юртилари ичида биринчилардан бўлиб маъзур институтда жорий этилди.

Акбар АЛИЕВ

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз:  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*  
Набир кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
Қоғоз бичими А-2

## «01»

### Тилсиз «ёв»

Бектемир тумани ёнгиндан сақлаш хизматчилари томонидан ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш асосидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳўрладан, шў йилнинг 1-чоррағида қорхона, муассаса, ташкилот, хўжалиқларнинг 104 тасида ёнғинга қарши ҳолат текшириб чиқилиб, ёнғин ҳавфсизлиги қонидларини бузётган ёқуд давлат ёнғин назорати хизматчиларининг кўрсатмаларини баҳармавдатдан 81 нафар лавозимли шахслар ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 128135 сўм миқдориде жарима ундириб олинди. Шунингдек, ёнғин чиқишига, ёйилишига ёки учиршини қийинлаштиришга олиб келадиган шароит мавжуд бўлган 57 та қорхона, муассаса, хўжалик биноларининг иш фаолияти вақтинча

тўхтатилди, 173 та носоз равишда фойдаланиладиган электр ускуналари муҳриланди. Инсонларнинг ҳаётини ёнғинлардан ҳимоя этиш, кенг ома орасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида шаҳар ва туман радио тармоқлари ҳамда турли матбуот нашрлари орқали чиқилар ташкиллаштириб бориладиганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Тумандаги мавжуд 12 та маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда хонадонлар текширилиб, ёнғинга қарши тарғибот ишлари йўлга қўйил-

ган. Ушбу ишларнинг натижаси ўлароқ бугунги кунга қадар 2000 йилнинг шу даврига нисбатан ёнғинлар соми қисқарди. 2000 йил шу пайтгача 9 та ёнғин содир бўлган бўлса, бу йил аса бу кўрсаткич 6 тага қамайди.

Туман ҳокимлигининг «Ёнғиннинг олдини олиш ва қорхона раҳбарларига ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш» борасидаги қарори соҳа ходимларини бу ишга янада масъулият билан ёндошишга ундади. Ҳозирги кунда туман ҳудудида ёнғиннинг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар қўрилиб, керакли ишлар олиб боришмоқда.

Самигуддин МУХИДДИНОВ,  
Бектемир тумани 27-МУҲУК ички хизмат лейтенанти.

лар галабаси билан ақунланди. Қолган ўрашуларда қуйидаги натижалар кайд этилди: «Семурғ» — «Сурхон» 0:4, «Навбахор» — «Насаф» 6:2, «Металлург» — «Кизилкум» 3:2, «Дўстлик» — «Нефтчи» 2:1, «Кимёгар» — «Андихон» 1:1, «Зарафшон» — «Самарқанд-Динамо» 2:0, «Турон» — «Сўғдиёна» 4:2.

Ушбу турнинг «Академи» — «Трактор» ўрашуви 1 август кунини ўтказилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

**Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси**  
Тошкент шаҳридаги барча (касб-хунар коллежи дастури асосида таълим олиб боровчи) ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларида Транспорт, Алоқа, Қурилиш, Уй-жой коммунал хўжалиги, Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Маориф, Маданият ва санъат, Ижтимоий-иқтисодий, Савдо, Умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиши йўналишлари бўйича қабул давом этаётганлигини маълум қилади.

**Кўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:**  
**133-79-87; 136-05-04; 133-07-10; 133-78-79.**